Spanish Journal of Innovation and Integrity ISSN: 2792-8268
Special issue: "DIGITALIZATION OF FINANCE: NEW TRENDS AND IMPLEMENTATION PRACTICES"

# ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИЛИШИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОР ЎСИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

***Икромов Хасан Зафар ўғли***
*Молия йўналиши биринчибосқич магистранти*

***Аннотация:*** *Мақолада хорижий инвестицияларни жалб этиш жозибадорлигини ошириш,мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини оширишда инвестицияларнинг аҳамияти ва ролини ошириш тўғрисида сўз боради.*

***Калит сўзлар:*** *Инвестиция, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, капитал, маблағ, хорижий инвестор, иқтисодиёт.молия эркин иқтисодий зона*

**Кириш:**

Ўзбекистон учун республиканинг инвестицион жозибадорлигини ошириш этиш, инвестицияни шакллантириш жараёнларини ички капитал ресурслар ва хорижий инвестиция ва молиялаштириш манбаларидан бири бўлган кредитлашни кўпайишига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда мамлакат ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши, барқарор иқтисодий ўсишга эришиши, аҳоли даромадларининг ошиши, турмуш шароитининг яхшиланиши аксарият ҳолатларда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига жалб этилаётган инвестиция маблағларининг ҳажми ва таркибига боғлиқ бўлган холда , ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режадаларини устувор йўналиши иқтисодиётга инвестиция маблағларини жалб этишнинг жозибадор муҳитини яратишга қаратилиши зарурдир.

***Инвестиция*** сўзи инглиз тилидаги ***invetstments*** сўзидан олинган бўлиб, ***капитал қўйилма*** деган мазмунни билдиради**.**

Инвестиция (сармоя) дегани – даромад ёки фойда олиш мақсадида маблағни маьлум муддатга тадбиркорлик ва хар қандай фаолият турига йўналтиришни билдирали .

Шуни айтиш лозимки, дунёнинг деярли аксарият мамлакатлари ривожланиш босқичида мамлакатни сармояларсиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эриша олмайди.

Инвестиция ресурсларини ўз вақтида иқтисодиёта жалб қилиш имконияти бўлмаган, пул маблағлари танқислигини бошидан кечираётган давлатлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича дунё мамлакатлари даражасидан анча орқага қолиб кетишига олиб келади. Мазкур ҳолатнинг ечими, молиявий маблағлар ортиқча бўлган ривожланган мамлакатлардаги капитал ресурсларни, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига жалб қилиш ҳисобланади.

Инвестициялар ёрдамида қуйидаги вазифаларни ечиш мумкин:

- ички бозорда талабгор бўлган - импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб

чиқарадига корхоналарни қуриш, иш ўринларини шакллантириш имконини яратади .

- Республикамизда фаолият юритаётган корхоналар махсулот ишлаб чиқаришини ошириш хамда истиқболда ривожланишни таъминлаш миллий корхоналарнинг хусусий капитал ҳажмини ва рақобатбардошлигини оширади .

- миллий саноат ишлаб чиқаришига янги техника ва замонавий ускуналар ўрнатилади ва натижада жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштиради .

- миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви амалга ошишини таьминлайди.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторларни жалб этиш учун, ижтимоий муҳит хуқуқий асос фаол тадбиркорлар етарли даражада шакллантириш мумкин. Бундан ташқари, мамлакатда ижтимоий-сиёсий инфратузилма ҳам шакллантирилган бўлиб, улар,

- мамлакатнинг сиёсий барқарорлиги ;
- хусусий мулк ва рақобатни ҳимоялайдиган қонунчилик базасининг шаклланганлиги;
- инвестиция жараёнини қўллаб-кувватлайдиган инфратузилманинг барпо этилганлиги;
- мамлакатнинг қулай георафик жойлашуви;
- агросаноат секторини ривожлантириш салоҳиятининг юқорилиги ва мамлакатнинг минерал-хомашё ресурсларига бойлиги;

Хорижий инвесторлар учун берилган имтиёзлар ва молиявий-иқтисодий рағбатлантириш тизими, инвестициявий жозибадорликнинг муҳим омили ҳисобланади. Булар эса тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ишлаб чиқариш соҳасида, хусусан, экспорт салоҳияти юқори бўлган саноат тармоғига йўналтирилишини таъминлайди.

Шу билан бирга, хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг муҳим йўналишларидан бири – махсус иқтисодий зоналарни шакллантириш ҳисобланади. Мамлакатимизда Ангрен, Ғиждувон, Ургут, Хазарасп, Чирокчи тумани эркин иқтисодий зоналари ташкил этилиб, улар бугунги кунда ўз фаолиятларини самарали юритишмоқда.

Республикамизнинг инвестиция сиёсатини амалга оширишда қуйидаги маьлумотларни ўрганишимиз мумкин маьлумотга кўра Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми Республикамизда 2022 йилда 266240.0 млрд. сўм бўлиб, 2023 йилда 356071.4 Қашқадарё вилоятида 2022 йилда 16012.8млрд сўм 2023йилда 21138.0 млрд сўм ташкил этган Республикамизда асосий капиталга инвестицияларда давлат бюджети улуши республика бўйича 2022 йилда 8.0 фоизга 2023 йилда 6.5 фоизг ўсган Қашқадарё вилоятида 2022 йилда 8.9 фоизга 2023 йилда 7.6 асосий капиталга чет эл инвестициялар ва кредитларнинг улуши 2022 йилда 42.8 фоизга 2023 йилда 56.7 фоизга Қашқадарё вилоятида 2022 йилда 47.0 2023 йилда 58.0 фоизга ўсган. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ялпи ички махсулотга нисбатан улуши Республика бўйича 2022 йилда 29.7 фоизга 2023 йилда 33.4 фоизни ташкил этган ахоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар хажми 2022 йилда 7468.6 млрд сўм 2023 йилда 9778.8 млрд сўмни ташкил этиб Қашқадарё вилоятида 2022 йилда 464.7 млрд 2023 йилда 6002.6 млрд сўмни ташкил этган.

Юқоридаги таҳлилда кўриниб турибдики, чет эл инвесторларига яратилган шарт-шароитлар, хусусан, ўз вақтида меъёрий-ҳуқуқий базанинг шакллантирилгани 2023 йилда

хорижий инвестициялар миқдорини 2018 йилга нисбатан салкам 3 марта ортишига сабаб бўлган.

Иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шарти бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттиришдир.

Президентимиз Ш. Мирзиёев “Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин” –деб, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозимлигини айтилди.

Биринчи навбатда, экспортга маҳсулот чиқараётган, инновацион ва юқори технологик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорларга ва чет эллик инвесторларга шундай имконият яратиш керак.

Шу мақсадда, Вазирлар Маҳкамаси қисқа муддатда аниқ комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, жумладан, мамлакатимизни Глобал рақобатбардошлик рейтингига киритиш бўйича тегишли ишларни амалга оширмоқда.

Учинчидан, банк ва молия тизимида ислоҳотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш зарур.

Бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўзнавбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда.

Банк тизимига хусусий ва хорижий капитал кириб келиши ҳисобидан давлат банклари улушини босқичма-босқич камайтириб бориш, бу эса соҳада рақобат муҳитини яхшилашга, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қилади.

Инвесторлар мамлакатимизда ўзини имкон қадар эркин ҳис қилишлари учун валюта бозорини янада эркинлаштирилиши инвесторланинг самарали жалб этилишига сабаблардан бири десак муболоға бўлмайди.

2019 йилдан бошлаб жорий этилган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, сода ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутади. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин.

## Хулоса

Иқтисодиётга инвестициялар жозибардорлигини ошириш инвестиция ҳажмини оширишда ички инвестицияларга альтернатив омил, бу фақат хорижий инвестициялар ва кредит маблағлари ҳисобланади.

Шундай экан, бугунги кунда хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш билан боғлиқ мавжуд барча ресурс ва заҳираларни ўрганиш ва қайтадан кўриб чиқиш, чет эл капиталини миллий корхоналарга жалб қилиш механизмини такомиллаштириш борасида иш олиб бориш лозим бўлади.Шуни такидлаш мумкинки мумкинки, юқоридаги масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, миллий иқтисодиётга йўналтирилган ички ва хорижий

инвестициялар ҳажмининг ортишига, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, пировардида мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Rustam Farmonovich Omanov. (2023). BENEFITS AND RISKS OF THE DIGITALIZATION.Intent Research Scientific Journal,2(12), 59–65. Retrieved from https://intentresearch.org/index.php/irsj/article/view/27
2. Omanov, R. F. (2023). ACCOUNTING PROCESS.American Journal of Pedagogical and Educational Research, 19, 219-223.
3. Fayziyev Jahongir, & Samiyev Sardor Iskandarovich. (2023). Development of Financial Market Activity by Optimization of Stock Issuance. European Journal of Economics, Finance and Business Development, 1(2), 6–9. Retrieved from https://europeanscience.org/index.php/2/article/view/76
4. Inflation Targeting In Uzbekistan: Background And First Results SS Yakubova International Journal On Economics, Finance And Sustainable Developmen
5. Ikramovich, R. Z., & Khamidovich, T. S. (2022). The Role of Fiscal Policy in Ensuring the Financial Stability of Uzbekistan. European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 4, 361-366.
6. Omanov Rustam Farmonovich. (2023). DIGITIZATION OF MANAGEMENT ACCOUNTING. Neo Scientific Peer Reviewed Journal, 17, 18–20. Retrieved from https://neojournals.com/index.php/nspj/article/view/345
7. Rustam Farmonovich Omanov , . (2023). INSTITUTIONAL BASICS OF SMALL BUSINESS. European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 3(12), 153–157. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/eijmrms/article/view/27743
8. Omanov Rustam Farmonovich, G., & ErgashevTohir, B. (2021). Socio-Economic Aspects of the Development of Small Enterprises in the Kashkadarya Region of Uzbekistan. Design Engineering, 6523-6531
9. САМИЕВ, С. ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ. ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ Учредители: Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека, (2), 10-18
10. WAYS TO IMPROVE MARKETING ACTIVITIES IN THE TOURISM SECTOR YS Shukhratovna, NM Ali Gospodarka i Innowacje. 40, 137-143
11. Yakubova, S. (2023). RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNING RIVOJLANISHI VA RAQAMLI AKTIVLARNING MOHIYATI. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 1(3), 84–92. https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss3-pp84-92 Другие форматы
12. ESSENCE AND ANALYSIS OF THE BENEFITS OF DIGITAL ASSETS S Yakubova, R Rashidov Innovatsion texnologiyalar 52 (04)
13. Yakubova, S. S. (2021). (2021)." Innovative Approaches for Modeling the Impact of Monetary Policy on Economic Development".
14. Раимова, М. Д., & Махатов, С. И. (2022). Пути ускорения развития туризма и

повышения его роли в экономике. Gospodarka i Innowacje., 24, 395-400

15. Ikramovich, R. Z., & Mirjalilovich, I. A. (2021, June). THE IMPORTANCE OF TAX POLICY IN THE FORMATION OF BUDGET REVENUES. In " ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM (pp. 122-124).
16. Farmonovich, O. R., & Azimovich, S. S. (2024). PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF SMALL ENTERPRISES IN UZBEKISTAN. Intent Research Scientific Journal, 3(1), 40-43
17. Omanov, R. F. (2023). ТРЕХФАКТОРНАЯ МОДЕЛЬ ОПРЕДЕЛЕНИЯ КРЕДИТОСПОСОБНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ. European Journal of Interdisciplinary Research and Development, 22, 141-143
18. ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ ВА УНГА ХОС БЎЛГАН ТЕНДЕНЦИЯЛАР СИ Самиев Экономика и финансы (Узбекистан), 10-18
19. Yakubova, S., & Yakubova, S. (2023). ISSUES OF ACCOUNTING FOR EXCHANGE DIFFERENCES AND BORROWING COSTS IN THE FORMATION OF THE COST OF INVENTORIES IN ACCORDANCE WITH NAS AND IFRS. Economics and Innovative Technologies, 11(5), 75–81. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss5/a10
20. WAYS OF EFFECTIVE IMPLEMENTATION OF MONETARY POLICY IN OUR COUNTRY. SS YAKUBOVA, RI RASHIDOV, MXQ UMAROVA, KTUGLI URINOV THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука
21. Raimova, M., Makhatova, N., & Salokhiddionova, G. (2022). THE ROLE AND DEVELOPMENT OF ONLINE TOURISM IN THE WORLD. Scientific progress, 3(2), 931-937.
22. Таргетирование инфляции в Узбекистане: предпосылки применения и первые итоги Р Рашидов, Ш Якубова
23. Якубова, Ш. (2024). Исследование цифровой валюты центрального банка как новой формы денег. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 2(8).
24. Якубова, Ш. Ш. (2024). Оценка влияния введения цифровой валюты на денежную сферу. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 2(8).
25. Джураев, А. М., & Сидорова, Е. Ю. (2022, May). Интенсификация значимости экологической налоговой реформы в Узбекистане. In Трансформация национальной социально-экономической системы России, тренд цифровые технологии. Материалы III Международной научно-практической конференции. Москва, 4 декабря 2020 года (p. 274). Litres
26. Джураев, А. М. (2019). 1.1. Основные направления реформирования налоговой системы Узбекистана. Аудит и финансовый анализ, (6), 7-14
27. Сидорова, Е. Ю., & Джураев, А. М. (2021). Совершенствование налоговой системы Узбекистана. Национальные интересы: приоритеты и безопасность, 17(7), 1392-1408
28. Джураев, А. М. (2019). Реформирование налоговой системы Республики Узбекистан: выбор пути развития. Актуальные вопросы современной экономики, (5), 465-469

29. Джураев, А.М. Теоретические основы методов прогнозирования налоговых поступлений и особенности их применения на практике / А.М. Джураев // Аудит и финансовый анализ. – 2020. - № 3. – С. 6-13. – ISSN 2618-9828
30. Джураев, А.М. Необходимость применения социальных вычетов при налогообложении доходов физических лиц / А.М. Джураев // Век качества. – 2021. - № 1. – С. 49-59. – Текст: электронный. - ISSN 2500-1841 URL: http://www.agequal.ru/pdf/2021/121003.pdf (дата обращения: 19.05.2021)
31. Джураев, А.М. Особенности налогового администрирования внешнеторговых операций / А.М. Джураев // Вестник. Институт экономики и антикризисного управления. – 2020. - № 30. –Текст: электронный. - DOI отсутствует. URL: https://ieay.ru/wp-content/files/nd/vestnik/30/Dzhuraev.pdf (дата обращения: 19.05.2021)
32. Джураев, А.М. Подходы к налоговому регулированию экономики: опыт развитых стран и возможность его применения в Узбекистане / А.М. Джураев // Фискальная политика как инструмент преодоления современных барьеров экономического развития России: сборник научных статей аспирантов и магистрантов; составители А. В. Тихонова. – Москва: РУСАЙНС, 2020. – С. 52-60. – ISBN 978-5-4365-4629-2
33. Джураев, А.М. Сидорова, Е.Ю. Направления совершенствования налогового администрирования в Узбекистане в постковидном периоде / А.М. Джураев, Е.Ю. Сидорова // Актуальные проблемы развития общества в постковидном мире: сборник научных статей доктарантов, аспирантов и магистрантов; составители Н. Касимова, Ш. Тошева. – Ташкент: TMI, 2021. – С. 75-81. – ISBN 978-9943-13-949-0
34. Kurbanovich, E. T. (2023). Ways of Management and Improvement of Innovative Processes in Small Business Enterprises.
35. Kurbanovich, E. T. (2023). Prospects for Innovative Development of Strategic Management of Enterprises.